

□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□
.□□□□□□□□□□

Абдуллох ибн Амр (розияллоху анху)дан ривоят килинишича, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) шундай деганлар: «Рўза ва Куръон (киёмат куни) бандани шафоат килади. Рўза айтади: «(Эй Роббим,) мен уни кундузи таом ва шахватлардан тўсдим, энди уни шафоат килишим учун изн бер». Сўнгра Куръон айтади: «(Эй Роббим,) мен уни кечаси уйкудан тўсдим. Энди уни шафоат килишим учун изн бер». Бас, у иккисига (бандани) шафоат килиш имкони берилади» (Ахмад, Хоким, Байхакий «Шуабул иймон»да ва Табароний «Кабийр»да ривоят килган. Хадис лафзи Хокимга тегишли, у хадис санади сахих, деган).

Ушбу ривоятда ҳам Куръон охиратда бандани кандай шафоат килиши тасвирланмокда.

«Шафоат» арабча сўз бўлиб, «бирон нарсани талаб килиш», «кимнингдир хаккига яхшилик сўраб дуо килиш», «хамрох бўлиш» каби маъноларни англатади. Демак, рўза ва Куръон охиратда Аллох таолодан рўза тутган, Каломуллохни ихлос билан тўгри тиловат килган банди гунохларини кечириб, ундан рози бўлишини ва жаннатга киритишини сўрар экан.

Уламолар Куръон ва рўзанинг шафоатини бир неча хил таъвил килишган:

- киёмат куни Куръон ва рўзанинг савоби жисм шаклига кириб, гапиради. Зеро, Аллох хар бир нарсага кодир;
- Аллох улар номидан бир фариштани вакил килади ва ўша фаришта гапиради;
- хадисда мажоз ва ўхшатиш услубидан фойдаланилган.

Нима бўлганда ҳам, рўза ва Куръон охиратда банди фойдасига гувоҳлик бериши аниқ. Бунинг учун Рамазон рўзасидан ташкари, нафл рўзалар тутиш ва Куръонни мунтазам тиловат килиб туриш лозим.

Хадисда Куръони Каримни кечаси тиловат килиш афзалроқ экани таъкидланмокда.

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ :□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□
□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□
:□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□
□□□□□□□□□□ :□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□□
□□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□□
□□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□□
.□□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□□
.□□□□□□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□□

Мужохид Ибн Умар (розияллоху анху)дан ривоят килади: МКуръон (киёмат куни) келиб, ўз сохибини шафоат килади ва: «Эй Роббим, хар бир амал килувчи ўз ишидан мукофот олади. Мен уни лаззат ва уйкудан тўсдим. Бас, уни эъзозла!» дейди. Шунда: «Ўнг

кўлингни чўз!» дейилади. У(нинг кўли) Аллохнинг розилиги билан тўлади. Кейин: «Чап кўлингни чўз!» дейилади. У(нинг чап кўли хам) Аллохнинг розилиги билан тўлади. Унга каромат либоси кийдирилади. Унга каромат ярашади (ёки халол бўлади). Сўнг унга каромат тожи кийдирилади» (Доракутний ривояти. Ривоят санади хасан[1]).

Байхакий «Шуабул-иймон»да Зирр ибн Хубайшдан, у эса Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху)дан килган шу маънодаги ривоятни келтирган.

Демак, Куръон ўқиган, умуман Куръон хакларини адо килган бандалар охиратда Аллохнинг розилигини козонар ва унга иззат-икром кўрсатилар экан. **Одилхон кори Юнусхон ўгли тайёрлади**

[1] Хусайн Сулайм Асад: «Ушбу ривоят санади Осим сабабидан хасандир», деган.